ХОРИЖ УСКУНАЛАРИ ЎРНАТИЛМОҚДА

Асрий Питнак қирларида қад ростлаётган Хоразм шакар заводи келгуси йили илк маҳсулотини бериши керак. Туркиянинг "Юксалиншоот" қурилиш фирмаси билан ҳамкорликда ишлаётган "Туямўйинсувқурилиш" трести бунёдкорлари улкан заводнинг бир қатор биноларини битказишди.

Яқинда заводнинг ишлаб чиқариш цехига хориж ускуналарини туркиялик мутахассислар ёрдамида ўрнатишга киришилди. Завод ишга тушгач, ҳар кеча-кундузда 400 тоннагача аъло навли шакар ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Рўзимбой ҲАСАН.

Учқўрғонлик теримчи Малика Ўролова.
Турғунбек МАҲҚАМОВ олган сурат.

ВАЗИРНИНГ ТУҲФАСИ

Иқтидорли ўқувчилар билим олаётган А. Навоий номидаги республика Нафис санъат лицейи кутубхонаси янги ва ноёб китоблар билан бойиди.

Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ўзининг шахсий кутубхонасидан лицей ўқувчиларига мингта яқин китоблар тақдим этди. Бу китобларнинг ҳар бири нодир қўлланмалар бўлиб, турли давлатларда ва турли тилларда чоп этилгандир. Жаҳон давлатлари ҳақида маълумотномалар, сиёсий аҳамиятга эга бўлган кўргазмалар, ўзлигимиз акс этган тарихий рисолалар, чет тилларни ўргатувчи китоб ва кассеталар, ўқитувчилар учун услубий қўлланмалар, ҳамда шоир ва ёзувчиларнинг ижод тўпламларидан иборат ҳаля ўқувчиларга янада чуқуррок билим маъсулиятини юклади.

Матлуба РАҲМОНҚУЛОВА.

ЙИГИРМАТЕ ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР
28 ОКТЯБРЬ

САМАРҚАНД ДУНЁ БИЛАН СЎЗЛАШМОҚДА

Самарқандликлар энди бир зумда дунёнинг исталган бурчаги билан телефонда сўзлаша оладилар, телекс, факс орқали хабарлар жўнатадилар ёки қабул қиладилар. Индонезияликлар билан ҳамкорликда бунёд этилган янги алоқа уйи фойдаланишга топширилгач, ана шундай имконият вужудга келди. Янги иншоотда хориждан келтирилган энг замонавий ускуналар ўрнатилган, улар халқаро сўзлашувларнинг юксак даражада сифатли бўлишини таъминлайди.

Улуғбек НОРБОБОЕВ..

Невара ширин бўлади.

"ЎзНЕТ" – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ОЧДИ

Мамлакатимизда қатор вазирликлар, идоралар, республикамиздаги халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар ваколатхоналари ўртасида янги алоқа тармоғи вужудга келди. "ЎзНЕТ" деб номланган ушбу алоқа ва ахборот тармоғи яқинда жаҳон ахборот тизими — Интернетга уланди. Энди мамлакатимиздаги вазирлик ва идоралар ўзаро ахборот алмашиш билан бирга халқаро янгилик ва маълумотлардан хабардор бўлиш имкониятига эга бўлдилар. Иккинчи томондан эса дунёдаги миллионлаб компьютер эгалари Ўзбекистон ҳақида турли маълумотлардан воқиф бўладилар.

Бобо САРОЙИ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 28 октябрь, сешанба № 126 (22.210).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

С. УСМОНОВНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали меҳнати, халқлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлимининг раиси Соиб Усмонов «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 27 октябрь.

МИРИШКОР ОЛТИАРИҚЛИКЛАР

«Пахта — 97»

Кейинги йилларда туман пахтакорлари ҳамиша вилоятда биринчилардан бўлиб йиллик режаларини уддалаб келишмоқда. Улар бу йил ҳам мана шу анъанага содиқ қолишди. 10 минг гектар ерга экилган пахтадан 30 минг 300 тоннадан ортиқ пахта етиштириб, вилоятда иккинчи бўлиб режани бажаришди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олинди.

— Пахтакорларимиз дастлабки маррани забт этишди, —дейди туман ҳокими Н. Омонов. — Лекин пахтазорда терим суръати пасайгани йўқ. Туманнинг ялпи хирмонини 32 минг тоннага етказиш ниятидамиз.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҒУЗОРЛИКЛАР МАРРАГА ЕТДИ

«Пахта — 97»

Ғузор тумани деҳқонлари давлатга пахта сотиш буюртмасини бажарди. Хирмонга 27,5 минг тонна «оқ олтин» уюлди. Ғузорликлар яна 2 минг тонна пахта топширишга аҳд қилдилар.

(ЎзА).

БУЮРТМА БАЖАРИЛДИ

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани миришкорлари давлатга пахта топшириш буюртмасини бажарди.

Қабул пунктларига 36 минг 490 тоннадан зиёд сифатли хом ашё етказиб берилди.

Ўртача ҳосилдорлик эса 27 центнерни ташкил этди. Ушбу ғалабага эришилишида Акмал Икромов номли, «Ҳақиқат», «Гулистон», «Роватоқ» жамоа хўжаликларининг ҳиссалари беқиёс бўлди.

Далаларда ҳали ҳосил чўғи мўл.

Терим қизғин давом этяпти.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАТАН ХАРИТАСИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ўзбек, инглиз ва рус тилида «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб номланган китоб чиқарди. Кўп нусхада чоп этилган ушбу китобда Президентимизнинг Олий Мажлис IX сессиясида сўзлаган нутқи, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа ҳужжатлар ўрин олган.

* * *

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтган автомобиль транспорти ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилишда «Фахрий автотранспорт ходими» унвонига сазовор бўлган бир гуруҳ ходимларга махсус диплом ва кўкрак нишонлари топширилди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Россия ҳукумати Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Анатолий Чубайс Буюк Британияга расмий ташриф билан боради. Сафардан мақсад—ҳукуматлараро тўртинчи сессия мажлисида иштирок этиш. Бундан ташқари Чубайс Буюк Британия бош вазири Тони Блеэр, ташқи ишлар вазири Робин Кук, Англия банки раҳбари Эдди Жорж билан ҳам учрашади.*

* * *

☑ *Махачқалада ўғрилаб кетилган саккиз доғистонлик милиционернинг тақдири ҳақидаги музокаралар давом эттирилди. Айрим маълумотларга кўра, улар Чеченистонда турган эмиш. Доғистонлик милиционерларнинг ғойиб бўлиши сўнгги вақтдаги ягона воқеа эмас. Ўтган шанба куни Хасавюрт-Оқсой автойўлида кучли портлаш рўй берди. Радио орқали бошқариладиган портлаш воситаси анчагина зарар етказди. Натижада ҳарбийлардан 4 киши оғир жароҳат олди.*

* * *

☑ *Айни кунларда Доғистон ва Чеченистоннинг таниқли арбобларидан бири имом Шомил туғилган куннинг 200 йиллиги кенг нишонланмоқда.*

* * *

☑ *Буюк Британиянинг Эдинбург шаҳрида 54 мамлакат ҳукуматлари раҳбарларининг мажлиси якунланди. Улар савдо, сармоя ажратиш ва тараққиёт масалаларини муҳокама қилишди.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 28 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	53,03
1 Австрия шиллинги	6,20
1 Англия фунт стерлинги	126,36
10 Бельгия франки	21,18
1 Голландия гульдени	38,76
10 Греция драхмаси	2,78
1 Дания кронаси	11,47
1 БАА дирхами	21,03
1 АҚШ доллари	77,24
1 Миср фунти	22,80
1 Ирландия фунти	113,08
1 Исландия кронаси	1,07
10 Испания песети	5,18
100 Италия лираси	4,47
1 Канада доллари	55,49
1 Хитой юани	9,32
1 Кувайт динори	253,85
100 Ливан фунти	5,03
1 Малайзия рингити	22,83
1 Германия маркаси	43,66
1 Норвегия кронаси	10,86
1 Польша злотийси	22,58
10 Португалия эскудоси	4,29
1 Сингапур доллари	48,69
1000 Туркия лираси	0,42
1 Финляндия маркаси	14,60
1 Франция франки	13,03
1 Швеция кронаси	10,17
1 Швейцария франки	52,87
1 ЭКЮ	85,86
10 Жанубий Корея вони	0,82
10 Япония иенаси	6,32
1000 Россия рубли	13,13
1 Украина гривнаси	41,26
1000 Белорусь рубли	2,70
1 Эстония кронаси	6,09
1 Латвия лати	131,81
1 Литва лити	19,31
1 Қозоғистон тенгеси	1,02
1 Қирғизистон соми	4,52

*Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ўзбекистон шуҳрати оламни тутгай

ВЕНГРИЯ ПОЙТАХТИДА МАДҲИЯМИЗ ЯНГРАДИ

Руслан ЧАГАЕВ бокс бўйича жаҳон чемпиони!

Будапештда бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионати ўзбекистонликлар учун қувончли бўлди. 60 дан ортиқ мамлакат чарм қўлқоп усталари иштирок этган бу мусобақада вакилларимиз муносиб кураш олиб боришди. Ўзбекистон терма командаси аъзолари 12 вазн тоифаси бўйича иштирок этишди. Саралаш мусобақаларида беш нафар боксчимиз чорак финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Андижонлик иқтидорли боксчи Руслан Чагаев мусобақада катта ғалабага эришди. У 91 килограммли вазн тоифасида иштирок этиб, жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Шу куни спорт саройи бўйлаб мустақил Ўзбекистон мадҳияси янгради. Руслан ярим финалда германиялик Европа чемпиони Ханке Микини ажойиб усулда мағлубиятга учратди. Ниҳоят, финал беллашувида эса юксак даражада маҳорат кўрсатди. Руслан беш марта жаҳон, икки карра олимпиада чемпиони кубалик Феликс Савон устидан йирик — 14:4 ҳисобида ғалаба қозониб, барча мухлисларнинг олқишига сазовор бўлди.

Эсингизда бўлса, Ўзбекистон бокси шарафини ҳимоя қилган Руфат Рисқиев бундан 23 йил аввал Гаванада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, биринчи бор жаҳон чемпиони бўлган эди. Руслан эса ана шу машҳур боксчимизнинг шон-шарафли йўлини давом эттиряпти.

1978 йилда туғилган Руслан Чагаев асли Андижондан. У моҳир тренерлар Александр Размахов билан Марс Қўчқоровнинг шогирди. Руслан мамлакат терма командасининг бош тренери Владимир Шин мана шу ғалабага олиб келди. Руслан ёш бўлишига қарамай, кўплаб мусобақаларда иштирок этиб, ғалабага эришган. Масалан, у ўзи ўтказган 60 жангнинг 57 тасида ғалаба қозонган.

1995 йили Тошкентда ўтказилган дастлабки Осиё чемпионатида халқаро классдаги спорт устаси унвонига сазовор бўлган. Ўтган йили эса ўз рақиби Феликс Савоннинг юрти — Гаванада ўтказилган жаҳон чемпионатида эса кўксига бронза медали таққан.

Ниҳоят, қувончли дамлар етиб келди. Руслан Чагаев Ўзбекистон байроғини яна бир бор юксакларга кўтарди. Мамлакатимиз мустақиллигининг еттинчи йилида Ўзбекистонимиздан чиққан дастлабки жаҳон чемпиони барчамизга муборак бўлсин! Ўйлаймизки, Руслан Чагаев бундан буён ҳам мамлакатимиз байроғини барча мусобақаларда баланд кўтаришга ҳаракат қилаверади.

СУРАТДА: Венгрияда бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатининг ғолиби, олтин медаль соҳиби Руслан Чагаев.

Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛДИК...

«Обуна — 98»

«Ўзбекистон овози» жаҳон янгиликларини ҳам мунтазам ёрита бошлади. Узоқ ва яқин хориж мамлакатлари янгиликларини обуначиларимизга ўз вақтида етказишни таҳририятимизнинг бурчи деб биламиз.

Ҳозир обуна авж паллага кирган пайт. Кундан-кунга муштарийларимиз сони кўпайиб бормоқда.

Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонасидан куни кеча хушхабар олдик.

— Биз «Ўзбекистон овози» газетасига обуна бўлдик! — дейишди улар.

БИЗ ҲАМ ЎҚИЙМИЗ

Хушхабарлар оқими узилмаяпти. Эрон Ислом Жумҳуриятининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасидан «Ўзбекистон овози» газетасига 1998 йил учун обуна бўлганликларини хабар қилдилар.

Улар ҳатто обуна варақаси номерини ҳам илова қилишди: 1452 (1-касса).

МУЗРАБОТНИ ХОРИЖДА БИЛИШАДИ

СУРХОНДАРЁ. Музработ тумани пахта тозалаш заводи жамоасини жаҳондаги нуфузли тўқимачилик фирмалари билан иқтисодий ҳамкорлиги мустаҳкам. Жамоа яқинда Нидерландия, Швейцария ва Италия саноатчиларига минг тоннадан зиёд пахта толаси жўнатди. Шунингдек, туманнинг Гагарин номли қўрғонида Германиянинг «Винклер» фирмаси технологияси асосида дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси қурилди. Корхона «Дока-хлеб» асосида бунёд этилгани билан шарқона анъаналарга эга. Ҳозир бу бинода «Меҳнат—роҳат» хусусий корхонаси бир кеча-кундузда 30 тонна ун чиқариб, кўпчиликни мамнун қилмоқда.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АМАЛИЙ МУЛОҚОТ

НАВОИЙ. *Вилоят ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Ҳаёт Ғаффоров оммавий ахборот воситалари ходимлари билан юзма-юз мулоқот ўтказди. Унда вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги воқеаларни мунтазам ёритиб бориш, ишда йўл қўйилаётган мавжуд камчиликларга нисбатан кескин муросасизлик бўлиши лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, вилоят ҳокими пахта йиғим-теримида оммавий сафарбарликни янада кучайтириш, пахта нобудгарчилигининг олдини олиш, бу ўринда оммавий ахборот воситалари ходимларининг амалий кўмаги зарурлиги хусусида ҳам тўхталди.*

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КАСБГА ДОИР КЎРГАЗМА

ТОШКЕНТ. *Халқ таълими улкан ўзгаришлар жараёнини бошдан кечираётир.Пойтахтдаги Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими туман ҳокимияти ҳамда меҳнат биржаси, оқсоқоллар кенгаши билан ҳамкорликда «Касб-ҳунар кўргазмаси» тадбирини ўтказди.*

Кўргазмада 6 та ҳунар-техника билим юрти, 5 та техник коллеж, тумандаги кўплаб завод, корхона, меҳнат биржаси вакиллари иштирок этяпти. Ўрта мактаб ўқувчилари ўзларига керакли касб-ҳунар ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмоқдалар.

Санда ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МОНТЁРЛАР ВЕЛОСИПЕДЛИ БЎЛИШДИ

БУХОРО. Вобкент туман электр-алоқа боғламаси монтёрлар меҳнати сермашаққатлигини ҳисобга олиб 16 нафар шу касб эгасига корхона ҳисобидан велосипед сотиб олиб берди.

Энди 25 чақиримгача хизматга отланадиган монтёрлар беминнат уловдан фойдаланиб, халққа самарали хизмат кўрсатишяпти.

— Инсон манфаатлари йилида, — дейди боғлама бошлиғи А. Ортиқов, — бу билан чекланганимиз йўқ, албатта. Ишчиларга баҳоли қудрат хизмат кўрсатаверамиз.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Республика прокуратурасида

ҚОНУННИ БУЗИШГА ҲЕЧ КИМНИНГ ҲАҚҚИ ЙЎҚ

Ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устунлигига эришиш — ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг асосий шартларидандир. Бу Президент Ислом Каримов ишлаб чиққан янги жамият қуришнинг асосий тамойилларида ҳам алоҳида қайд этилган. Хоҳ жамоат ҳаётида бўлсин, хоҳ ишлаб чиқаришда бўлсин, қонун талабларига амал қилмаслик ҳоллари рўй берар экан, бу тараққиётимиз йўлига тўсиқ бўлаверади.

Республика прокуратураси ҳайъатининг 27 октябрь куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида ана шу ҳақда гап борди. Унда қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотларни амалга оширишда қонунчиликни таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама этилди. Йиғилишда вилоят ва туманлар прокурорлари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, бир неча туманлар ҳокимлари иштирок этди.

Йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан республика Бош прокурори Б. Мустафоев маъруза қилди.

Мажлисда таъкидландики, мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар самарадорлигини янги поғонага кўтаришга алоҳида эътибор берилаётир. Соҳада илғор технология ва тажрибалар, янги иш услублари жорий этилмоқда. Шу билан бирга, деҳқончилик саноатининг бугунги ривожини ҳамма жойда ҳам қониқарли деб бўлмайди. Йиғилишда ана шу аҳволнинг сабаблари атрофлича муҳокама этилди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг мажлисида давлатимиз раҳбари мазкур комиссия олдига қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил этиш вазифасини қўйган эди. Бу эса жорий йилдаги пахта йиғим-терими мавсумига тайёргарлик кўриш, ҳосилни йиғиштириб олиш борасидаги тадбирларнинг бажарилишини ҳам ўрганиб чиқишни тақозо этди. Ана шу мақсадда республика прокуратураси жойларда қишлоқ хўжалигига доир қонунлар, Фармон ва қарорлар қандай бажарилаётгани бўйича текширувлар ўтказди. Текширишлардан маълум бўлдики, жойларда ердан фойдаланиш масалаларига қаратилган қонунларни бузиш ҳолларига йўл қўйилган. Ерни озиқлантириш, ҳосилдорлигини ошириш учун ажратилган маблағлардан тўғри фойдаланилмаганлиги аниқланди. Ҳисоботларда пахта ва ғалла майдонларини камайтириб кўрсатиб, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳоллари ҳам учрайди. Мисол учун, Сирдарё вилояти «Оқолтин» тумани Тойиров номидаги деҳқон-фермер хўжалигида пахта экиш учун мўлжалланган ерларнинг 108 гектари, ғалла майдонларининг эса 311 гектари шоли ва полиз экинлари экиш учун хўжаликка алоқаси бўлмаган шахсларга бериб юборилган. Навоий вилояти Навбаҳор тумани ҳокими ўринбосари Эрназаровнинг қилмиши эса ҳеч қандай қуюшқонга сиғмайди. У 10 тоннага яқин буғдойни сотиб юборгани учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Асосий экин — пахтани экиш, парваришлаш ва йиғиб-териб олишда агротехника қоидаларига риоя этилмагани, уруғлик сифатига эътиборсизлик, техникани тайёрлаш ишларида ўзибўларчилик, боқибеғамликка йўл қўйилгани айрим вилоятларда йиғим-терим мавсумининг чўзилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Буни қуйидаги ачинарли фактлар ҳам тасдиқлайди: Тошкент вилоятида мавжуд 976 терим агрегатидан 373 таси, Сирдарё вилоятида 1424 тадан 431 таси, Жиззах вилоятида эса 1471 тадан 157 таси теримга жалб этилган, холос. Шунингдек, талай ҳисоботларни тайёрлашда кўзбўямачиликлар учрайди. Техника, минерал ўғит ва бошқа воситаларни сақлаш, ишлатишда ҳам қонунбузарликларга йўл қўйилган. Хусусан, Чортоқ, Зафаробод ва Дўстлик туманларида пахта учун келтирилган минерал ўғитларнинг талайгина қисми талон-торож қилиб юборилган. Бухоро вилоятида эса ғўза баргини тўктириш учун 146 миллион сўм сарфлангани ҳолда атиги 71 тонна пахта машинада терилган. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Йиғилишда ана шундай хато ва камчиликлар учун масъул мутасадди раҳбарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши таъкидланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Ш. Болтаев, Навоий вилояти ҳокими ўринбосари Ж. Ризаев, Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари С. Эшбоев, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири М. Жўманиёзов, «Ўзқишхўжтаъминоттаъмир» давлат кооператив қўмитаси раиси Б. Олимжонов, «Ўзкимёсаноат» уюшмаси раиси Н. Юсупбеков ва бир неча туман ҳокимлари ахборот берди.

Кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Ё. Жалолов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, А. Муҳиддинов, Олий Суд раиси У. Мингбоев, ички ишлар вазири З. Алматов, адлия вазири С. Мирсафоев қатнашди.

(ЎзА).

Ҳуқуқий-иқтисодий таҳлил

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ

ёхуд назоратсизлик, кўзбўямачилик иқтисодиётга қандай зарар етказаётгани хусусида

Бу йил Яратган Ўзбекистондан ўз меҳру мурувватини аямади. Куз очиқ келди. Қарийб икки ой давомида ёғингарчилик деярли бўлмади. Қарияларнинг айтишича, айни пахта йили бўлди. Буни ишни қойиллатиб қўйган хоразмлик, андижонлик деҳқонлар фаолияти тасдиқлаб турибди.

Лекин ҳамма жойда ҳам бундай бўлмади.

Кўпгина хўжаликларда ҳали режанинг ярмига етиб етмай ҳосилнинг адоғи кўриниб қолди. Баъзи хўжаликларда эса, гўё муъжиза рўй беришини кутгандек, октябрь ойи охирида ҳам кўсак очилишини кутишмоқда.

Нега?

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Наманган ва Фарғона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топшириш ишнинг қониқарсиз аҳволи ҳақида»ги Фармойиши чиқди. Унда жумладан шундай дейилади: «Мавжуд техникаларни мавсумга ўз вақтида тайёрланмаганлиги, уругчиликка эътибор берилмаганлиги, ғўзани парвариш қилишда агротехника талаблари қўпол равишда бузилганлиги, ғўза дефолиациясини ўтказишда кўзбўямачиликка йўл қўйилганлиги бугунги кунда терим суръатларига катта таъсир кўрсатмоқда».

Айни шундай камчилик ва нуқсонлар бошқа кўпгина вилоятларга ҳам тегишли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунга ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо қишлоқ хўжалигида белгиланган режаларни издан чиқараётган, ислоҳотларни чуқурлаштиришга тўғаноқ бўлаётган асосий сабабларидан бири — бу шубҳасиз, қонунбузарликдир.

Текширувлар натижаси, таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қонунбузарликлар энг аввало қишлоқ хўжалигига оид Фармон ва қарорларга эътиборсиз ва беписандлик билан қарашдан бошланмоқда. Ерни шудгор қилишдан тортиб, чигит экиш, ғўзани парваришлаш ва ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар бўлган жараёнда турли кўринишдаги катта-кичик қонунбузарликлар содир этилмоқда.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигида чигитни экиш, суғориш, ўғитлаш, дефолиация ўз вақтида ўтказилмаганлиги сабабли пахтанинг очилиши кечикиб кетди, натижада хўжаликка катта зиён етказилди. Ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараган ва кўзбўямачиликка йўл қўйганлиги учун вилоят прокуратураси хўжалик раҳбари А. Ибрагимов устидан жиноий иш қўзғатди. Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Тошкент» ширкат уюшмаси раиси Р. Жумаев, Беруний ширкат уюшмаси раиси Б. Тоғаев ҳам ана шундай айб билан тергов қилинмоқда.

Шу ўринда баъзи кишиларда: «ўлдасидан чиқолмай режасини бажаролмаган бўлса жазолаш шартми?» деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга одил жавоб топиш учун чуқурроқ фикр юритишга тўғри келади. Бир раҳбарнинг бепарволиги, хизмат вазифасини ўйламай-нетмай суиистеъмол қилиши натижасида юзлаб гектар ернинг ҳосили барбод бўлса, эрта баҳордан кеч кузгача тер тўккан деҳқон меҳнати зое кетса, даромадсиз қолиб, бола-чақасининг ризқи қийилса, бунга ким жавоб беради? Фақат курсини қўриқлаб ўтириш билан раҳбарлик мақоми бажарилмайди. Бугун давр шиддат билан илгарилаяпти, одамларнинг дунёқараши, тафаккур тарзи ўзгармоқда. Ҳамма яхши яшашни, турмуши фаровон бўлишни истайди. Тўрт-бешта одамнинг бошини бир жойга бириктириш, уларга раҳбарлик қилиш албатта осон иш эмас. Бунинг учун раҳбар кишининг юраги ёниб туриши, эртани бехато кўриши ва кўпчилик манфаатини ўз манфаатидан устун қўя олиши керак. Раҳбарликни ўз зиммасига олган одам бу ҳақда ўйлаши керак эмасми? Уз жамоаси, эли тақдирига жони ачимаган раҳбарни ким деб аташ мумкин?

Қизиқ томони шундаки, гарчи ишлаб чиқариш режалари барбод этилган, ишлар путуридан кетган бўлса-да, хўжалик раҳбарларининг оиласи тўқ, рузғори бут, энгил-боши башанг. Ҳарқалай, оддий деҳқонга қараганда, анча яхши яшашади. Бунинг остида нима ётибди? Бу ўзи билан бақамти яшаётган оддий одамларнинг ҳақи, ризқу рузига хиёнат эмасми! Хўш, энди ўзингиз ўйлаб кўринг! Хиёнаткор одам қонун олдида жавоб бермаса, ким жавоб беради?!

Собиқ Шўро замонида бир раҳбарнинг айби билан халқнинг миллионлаб сўми ҳавога совурилса, унга ҳайфсан берилар ёки жуда қаттиқ олишса, вазифасидан четлатиш билан чегараланарди. Бугун биз кимни алдаяпмиз? Халқимизними, ўзимизними? Ёки бизга кўз тиккан фарзандларимизними? Бугун биз келажагимиз пойдеворини яратаяпмиз, ҳуқуқий демократик давлат қураяпмиз, унинг талаби битта: қонун устувор, қонун олдида ҳамма баробар.

Масалага янада чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, кузги шудгор сифатсиз ва ўғитсиз ўтказилганлиги, ғўза парваришида агротехника талаблари қўпол равишда бузилганлиги ортида жиноят яширинганлигини кўрамиз. Ҳисоботларда бу юмушлар «юз фоиз бажарилди» деб кўрсатилган, албатта. Бирорта хўжалик раҳбари ёки ҳоким фалон иш чала бажарилди, ер сифатсиз шудгор қилинди, белгиланган ўғитнинг бир қисми ишлатилди, деб юқорига ҳисобот бермайди. Қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқади, дейишади. Хусусан, деҳқончиликда ерни ҳам, ҳосилни ҳам алдаб бўлмайди.

Пахтачиликдаги бугунги аҳвол таҳлили айрим жойларда минерал ўғитлар, ёнилғи талон-торож қилинганлигини кўрсатди. Ерга белгиланган минерал ўғит солинмаса, етарлича ишлов берилмаса, ундан қандай қилиб юқори ҳосил кутиш мумкин?! Ғўза парвариши ва дефолиациясида кўзбўямачиликка йўл қўйилса, ҳосилдорлик қандай бўлади?! Ҳаётда икки одам бир-бирини алдаши мумкин. Бироқ ерни алдаб бўлмайди. Ерга қанча меҳр берсанг, меҳнатингни аямасанг, ер ҳам кутган ҳосилингни беради. Аксинча натижа октябрь ойида кўсак очилишини кутиш билан тугайди.

Қишлоқ хўжалигида рўй бераётган қонунбузарликлардан яна бири ер билан боғлиқ. Экин майдонларини ҳисоботдан яшириш, ердан ғараз мақсадларда фойдаланиш одат тусига кириб бораяпти. Алабтта, бундай «ҳотамтойлик» замирида кимларнингдир нопок манфаати, нафси ётибди. Жумладан, Косонсой туманидаги «Кўкунбой» жамоа хўжалигида пахта майдонининг 5 гектарига бошқа экинлар экилган. Шу тумандаги «Водий» жамоа корхонасида пахта экиш мўлжалланган ернинг 5 гектари қонунсиз равишда фуқароларга бериб қўйилган. Мингбулоқ туманидаги «Истиқлол» корпорацияси, Уйчи туманидаги «Қизил равот» тажриба хўжалигида ҳам ана шундай жиноятлар содир этилган.

Учкўприк туманидаги Отажонов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи А. Содиқов хатти-ҳаракати ҳаммасидан ошиб тушган, у ўзбошимчалик билан пахта майдонини шоли учун бўлиб берган. Бу камомадни бекитиш учун йўқ жойдан 5 тонна пахтани ҳисоботга қўшиб ёзган.

Бу ҳам майли, бир қанча вилоятларда хусусан Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Навоий вилоятларида экин майдонларини ўғрилаш — ҳисоботдан яшириш ҳолларига йўл қўйилган.

Энг ачинарли томони шундаки, кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, ерни талон-торож қилиш бригада бошлиқлари ва хўжалик раҳбарлари томонидан содир этилмоқда. Ҳолбуки, шу жойлардаги ҳар бир қарич ер, унда битадиган ҳосил учун аввало мана шу раҳбарларнинг ўзи масъулдир. Улар бундай қаллобликнинг олдини олишлари, бошқаларга ибрат кўрсатишлари керак эди. Аммо бунинг тескариси рўй берди.

Шу ерда ҳақли бир савол туғилади: хўжаликларда содир бўлаётган бундай жиноятлардан ҳокимларнинг хабари йўқмиди? Раис кичиккина хўжаликка жавоб берса, ҳоким бутун туман учун жавобгар. Шунча нарса талон-торож қилинса, ўғриланса-ю ҳоким хабарсиз бўладими?! Унда ҳокимнинг вазифаси, бурчи ва буйнидаги масъулият нимадан иборат? Агар у ўзи раҳбарлик қилаётган ҳудудда нималар рўй бераётганини билмаса, ғофил бўлса, одамлар ризқини, давлат мулкини талон-торож қилдириб қўйса, ўз халқи манфаатини ҳимоя қилиш қўлидан келмаса, бундай ҳокимнинг кимга кераги бор? Ҳамма гап шундаки, бу сифат раҳбарлар ерга, деҳқонга, мулкка муносабатда ҳамон эскича қарашлардан қутула олмаяптилар.

Пахта йиғим-терими суръати пастлиги сабабларидан яна бири техникани мавсумга тайёрлашда йўл қўйилган кўзбўямачилик билан изоҳланади. Бундай ачинарли аҳвол жиддий хулосалар чиқариш, камчиликларни бартараф этиш ва зарур чора-тадбирлар кўришни тақозо этади. Республика Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотларига қараганда, 1 сентябрга қадар мамлакатимиз бўйича 66,1 фоиз машина теримга яроқли деб кўрсатилган. Амалда эса аҳвол мутлақо бошқача бўлган. Давлат техника назорати бош инспекцияси текшируви 1 сентябрга қадар республика бўйича 19,4 фоиз техникани мавсумга яроқли деб топилган. Бухоро ва Фарғона вилоятларида теримга яроқли машиналар 8,2, Сурхондарёда 18,2, Сирдарёда 30 фоиз бўлган.

Бундай ҳисоботларни берган хўжалик раҳбарлари кимни алдашмоқда? Кўзбўямачилик, фирибгарликдан бугун ким фойда кўраяпти? Бу саволларга ортиқча изоҳ шарт бўлмаса керак. Аммо барибир баъзи саволларга жавоб излашга тўғри келади. Бундай сохта ҳисоботлар, қишлоқ хўжалигидаги ҳақиқий аҳвол Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, юқори статистика идоралари томонидан нега ўз вақтида текширилмади? Қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик нега фош этилмади? Статистика идоралари ўз ваколатларидан нега тўғри фойдаланишмайди? Жойлардаги идоралар узлуксиз назоратда туриши керак бўлган бу масалага нега совуққонлик билан қарашган? Ёки улар ҳам бундай қинғир ишлардан манфаатдорми? Агар улар аҳволни ҳуқуқий-иқтисодий жиҳатдан таҳлил этиб, қонунда белгиланган чораларни кўришганда, юқорида тилга олинган жиноятлар содир этилмаган, кўпчиликни ризқи қийилмаган, мамлакатимиз иқтисодиётига катта зарар етмасди.

Текширув ва таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, совуққонликнинг бир учи қуйи бўғиндаги раҳбарларга боғлиқ бўлса, иккинчи учи юқори лавозимдаги раҳбарларга бориб тақалади. Бунга қуйидаги иккита ҳол яққол мисол бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 9-банди «Узқишлоқхўжаликмаш-Холдинг» компанияси ва «Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитаси томонидан тўлиқ таъминланмади.

Бунинг устига унинг кўпчилигида аккумулятор, парраклар, ўт ўчириш мосламалари, вентилятор тасмалари ва бошқа қисмлар етишмаслиги сабабли берилганларининг ҳам кўп қисми далага чиқарилмасданоқ яроқсиз ҳолга келди. Йиғим-терим режасини издан чиқарган, ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келган бу ҳол учун ким жавоб беради? Бу ҳол учун ҳам жавоб беришга тўғри келади.

Иккинчи мисол. «Узкимёсаноат» уюшмаси томонидан 1996 йилда келтирилган ўта қимматбаҳо «Дропп — Ультра» дефолиантлари узоқ муддат омборларда нотўғри сақланганлиги оқибатида ўз таъсир кучини йўқотган. Қатор вилоятларда минглаб гектар ер қайта дефолиация қилинди. Бу кимёвий маҳсулотлар айнан кимларнинг айби билан нобуд қилинди? Бу саволга жавоб ҳам, айбдорларга қонуний жазо ҳам аниқланмоғи лозим.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида мулкий муносабатларни тубдан ўзгартириш, мулкдорларда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялаш, хусусий тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш энг муҳим вазифалардан эканлигини юртбошимиз қайта-қайта такрорламоқда. Бу соҳага оид қонунлар яратилди. Бироқ деҳқон хўжаликларига ер беришда адолатсизлик қилинмоқда. Яроқсиз ерлар ажратилмоқда. Фермер раҳбарлари розилигисиз ер майдонлари ҳажми қонунсиз равишда камайтирилмоқда.

Бундай тўсиқлар фермерларнинг эртанги кунга ишончини сусайтирмайдими? Президентимизнинг қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги Фармонлари ва ҳукумат қарорлари фермерлар фаолиятини ҳуқуқий кафолатлаган бир пайтда унга зид иш олиб борилишини қандай изоҳламоқ керак?

Таҳлиллар яна шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ўз фаолиятлари билан боғлиқ оддий ҳуқуқий тушунчаларни ҳам билмасликлари ҳоллари мавжуд. Зотан, қишлоқ хўжалик ислоҳотлари учун бевосита масъул бўлган ҳокимлар, агросаноат мажмуаси раҳбарларидан тортиб прокурорларгача тизимда қонун устуворлиги муҳитини яратмаса ўзгариш бўлиши жуда қийин.

Қонун устуворлигини таъминлаш қишлоқ хўжалиги учун худди сув ва ҳаводек зарур. Кўсакнинг очилиши, ҳосил тақдири ҳам деҳқонга, ҳам диёнатга, ҳам қонунга боғлиқ.

Эркин ЙЎЛДОШЕВ,
Сафар ОСТОНОВ.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Аввал хабар берганимиздек, жорий йилнинг 21 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида «Ўзбекистон ХДП ва инсон манфаатлари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия фаоллари, жамиятшунос олимлар, адиблар, ХДП матбуот нашрлари ижодий ходимлари ва бошқалар ҳозир бўлдилар. Қуйида мулоқотда иштирок этган Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби А. Жалолов, Чилонзор туман кенгаши биринчи котиби Ё. Шодмонов, Чирчиқдаги «Ғунча» акциядорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти котиби Л. Шарипова, Мирзо Улуғбек туманидаги 27-поликлиника шифокори, ХДП аъзоси Л. Зиётдинова, Самарқанд вилоят кенгаши «Регистон» газетасининг бош муҳаррири Г. Алибоева, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ижроия бюроси аъзоси, Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармаси республика бўлими раиси Н. Нагметовлар билдирган фикр-мулоҳазаларнинг қисқача баёни билан танишасиз.

А. Жалолов: Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан 1997 йилнинг мамлакатимизда Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши миллий мустақилликка эришгандан сўнг юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг марказида одамлар тақдири, уларнинг турмуш фаровонлиги, эртанги куни, бахт-саодати турганлигидан далолатдир. Албатта, яқин ўтмишда, собиқ шўро ҳокимияти даврида ваъда қилинган нурли келажак ва бахтли ҳаёт шиорбозликдан нарига ўтмаганлиги унутилганича йўқ. Аммо, биз, эндиликда, тамомила бошқа мамлакатда яшаётганлигимизни, янги, адолатли жамиятни бунёд этаётганлигимизни идрок этсак, халқимиз танлаган тараққиёт йўли ва ҳукуматимиз амалий фаолияти билан собиқ тузум сиёсати ўртасида туб фарқ борлигини тушуниш қийин эмас.

Жаҳон тажрибаси, хусусан, мустабид тузум шароитида шаклланган, ўта марказлашган бошқарувга асосланган иқтисодиётдан эркин бозор муносабатларига ўтиш ҳаётий зарурат, шу билан бирга, жуда мураккаб ва масъулиятли жараён эканлигини кўрсатмоқда. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон давлати раҳбарияти ижтимоий йўналтирилган ислоҳотлар йўлидан қатъий бормоқда. Мулкчиликнинг хилма-хиллиги ва уларнинг барча шакллари ҳуқуқий тенглигини эътироф ҳамда қонуний муҳофаза этиш, тадбиркорлик, ишбилармонлик, кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш, янги иш жойларини яратиш, замонавий касбларни эгаллашда кишиларга кўмаклашиш, давлат хазинасидан иш ҳақи оладиганларнинг ойлик маошлари, пенсия, нафақа ва стипендияларини нарх-навонинг ошишига қараб индексациялаш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш республикамиз раҳбариятининг ижтимоиёт соҳасида амалга ошираётган кўп қиррали, кенг кўламли ишларидан ёрқин гувоҳлик беради.

Давлатимиз раҳбариятининг одамлар тўғрисида ғамхўрлиги унинг иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилган фаолияти билан чекланмайди. Ўзбекистон Конституциясида ифода этилган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш мақсадида, турқум қонунлар (масалан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун)нинг қабул қилиниши, инсон ҳуқуқлари бўйича махсус институтлар (Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, республика Миллий маркази ва бошқалар)нинг ташкил топиши, шунингдек, миллий маънавиятни ривожлантиришга берилаётган катта эътибор фикримизнинг далилидир.

Демак, Ўзбекистон раҳбариятининг барча ислоҳотлардан мақсад — инсонларнинг муносиб инсоний ҳаёти учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақидаги баёнотлари қуруқ ваъда, жонсиз шиор эмас, балки, изчиллик билан амалга оширилаётган жиддий сиёсатдир.

Ташкил топганига бир неча кундан сўнг олти йил тўлаётган партиямизнинг ушбу масалага муносабати қандай? Маълумки, инсон манфаатларини — ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи Ўзбекистон ХДП Дастури, унинг бошқа ҳужжатларида ўз ифодасини топган ҳамда партиямиз бу иш билан муттасил шуғулланиб келмоқда. Хусусан, аҳолини, айниқса, унинг кам таъминланган гуруҳларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари билан шуғулланмаётган партия ташкилотлари йўқ, десак муболаға бўлмайди.

Ё. Шодмонов: Ўзбекистон ХДП туман ташкилоти Инсон манфаатлари йили вазифаларини бажаришга қаратилган ўз фаолиятида, биринчи навбатда, партия аъзолари ва партиясиз фаолларининг ҳуқуқий билимлари доирасини кенгайтириш, давлатимизнинг янги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларини ўрганишда уларга кўмаклашиш масалаларига эътибор бермоқда. Шу мақсадда, бошланғич партия ташкилотларида, суҳбат ва маърузалар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилмоқда, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг мазмуни ва аҳамияти аҳолига тушунтирилмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилишига қарамай, айрим пайтларда, баъзи бир тўралар, халқдан ажралиб қолган раҳбарларнинг айби билан уларни бузиш ҳолларига ҳам дуч келинмоқда. Шу сабабдан биз фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш, уларда кўтарилган муаммолар ечимини топишга кўмаклашишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ўтган йил давомида туман партия кенгашига фуқароларимиздан 50 дан зиёд шикоят ва таклифлар тушди, бу йил ҳам шу мазмундаги хатлар оқими камаймаяпти. Муҳими шуки, бизга йўлланган шикоятларнинг кўпчилиги ўз ечимини топди. Одамлар бундан хурсанд. Биз ҳам ишимиз натижаларидан мамнунмиз. Чунки, уларнинг муаммоларини ечишга ёрдам бериш бизнинг бурчимиз. Шу билан бирга, ташкилотларимиз, қолаверса, бутун партиямизнинг обрўйи ошмоқда. Бу зарур ишга туманимиздан сайланган уч нафар Олий Мажлис ва икки нафар шаҳар Кенгаши депутатлари ҳам фуқароларни қабул қилиш, уларнинг талабларини қондириш, шикоятларини ҳал этиш билан ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Туманимиз аҳолиси, хусусан, унинг камқувват гуруҳларининг оғирини енгил қилиш, етим-есирлар, ногирон ва ночорларга моддий мадад кўрсатиш ҳам ташкилотларимиз фаолиятининг муҳим таркибий қисмига айланган. «Тошкент-Лада» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотининг иқтисодий ислоҳотлар даврида ишчи ва хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги иш тажрибаси ҳақида»ги масаланинг туман партия кенгаши ижроия бюроси мажлисида муҳокама этилиши шу соҳадаги фаолиятимизнинг барча меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларида жонланишига ундади. Масалан, «Услуги» кичик корхонаси раҳбари Г. Мухина ва бошланғич партия ташкилотининг ташаббуси билан байрамлар арафасида фахрийларимизга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. «Улкан замон» фирмаси раҳбари О. Ғуломов ХДП бошланғич ташкилотининг тумандаги 23-меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалардан етти нафарининг суннат тўйини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбир учун тегишли маблағ ажратди. Ҳозирги кунда туман бўйича 200дан кўпроқ партия аъзолари бўлган фахрийларнинг ҳолидан вақт-вақти билан хабар олиш ва моддий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйганмиз.

Л. Шарипова: Чирчиқ — саноат шаҳри. Унда 72 миллатга мансуб бўлган 146 минг аҳоли истиқомат қилади. Шундан 56 минг нафари саноат корхоналарида меҳнат қилади. 26 минг киши пенсия олади. Аҳолининг қолган қисмини болалар ташкил этади. Шаҳар ҳокимлиги, корхона ва ташкилотлар маъмурияти ва Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгаши шуларни ҳисобга олган ҳолда Инсон манфаатлари йилида амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар режалари ёки тадбирлар рўйхатини ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилмоқдалар. Чунончи, шаҳарликлар учун йил бошидан буён 9,5 минг кв. метр уй-жой қуриб топширилди, шаҳардаги кўча ва майдонларни ободонлаштиришга 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 1300та янги иш жойлари яратилди, 1800 киши иш билан таъминланди. 2753та кам таъминланган оилага, болалар учун, қарийб 10 миллион сўмлик нафақа тўланди ва ҳоказолар.

Бизнинг «Ғунча» ҳиссадорлик жамиятимизда ҳам ишчи ва хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари, ҳордиқ чиқаришлари, соғлиқларини тиклашлари учун барча шароитлар яратилган. Ойлик маошлари ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланмоқда. 200 ўринли ошхона, тиббиёт хонаси, санаторий-соғломлаштириш ва маиший хизмат кўрсатиш масканлари ишлаб турибди. Шу йилнинг ёз ойларида ходимларимизнинг болаларидан 100тага яқини корхонамиз ҳисобидан дам олди.

Ушбу ишларнинг барчасида бошланғич партия ташкилотимизнинг муносиб ҳиссаси бор. ХДП аъзолари нафақат ишлаб чиқаришда рўй бераётган туб ўзгаришлар, балки, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳам ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Улар фаол иштирок этмаган, ҳисса қўшмаган бирон-бир йирик тадбир йўқ. Биз жамоамиз аъзолари орасида оммавий-сиёсий ишларни олиб бормоқдамиз, Олий Мажлис сессиялари, мамлакатимиз йўлбошчиси И. А. Каримовнинг маъруза ва китоблари мазмуни ҳамда аҳамиятини тушунтирмоқдамиз. Кейинги пайтларда ҳуқуқий масалалар тарғиботига аҳамият бера бошладик. Ҳозир партиямиз марказий нашрларига 1998 йил учун обунани ташкил этиш билан яқиндан шуғулланяпмиз.

Ишларимизнинг янада самаралироқ бўлиши учун матбуотимиз саҳифаларида партиямизнинг дастурий ғоялари, ташкилотларимиз фаолияти мавзуларида кўпроқ мақолалар бериб борилса, юқори партия ташкилотлари эса бизга услубий ёрдамларини кучайтирсалар, яхши бўлар эди.

Л. Зиётдинова: Бизнинг бошланғич партия ташкилотимиз, асосан, Ўзбекистон ХДП сафига яқинда қабул қилинган ёш шифокорлардан иборат. Менинг ўзим бундан олти ой муқаддам шу партияга кирдим. Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ХДП кенгаши масъул ходимлари биз билан учрашиб, партиянинг дастурий мақсад-муддаоси ва амалга ошираётган ишлари тўғрисида суҳбатлашганларидан кейин менда ушбу ташкилот сафларида бўлиш, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашиш истаги пайдо бўлди.

Бошланғич ташкилотимиз 27-оилавий поликлиника жамоаси аъзоларини шифохонамиз олдида турган масъуллиятли вазифаларни бажаришга сафарбар этишга, ходимларимизнинг сиёсий маданиятини оширишда маъмуриятга беминнат ёрдам бермоқда. Мамлакатимиз ва шаҳримизда бўлиб ўтаётган муҳим воқеалардан ходимларимиз ҳамда мижозларимизни хабардор қилиб туриш мақсадида «Сиёсий бурчак» ташкил этиб, ундаги ахборотларни тез-тез янгилаб турибмиз. Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига бағишланган тадбир одамларимизда катта таассурот қолдирди.

Ушбу асар, моҳиятан, келажакка, мамлакатимиз истиқболига қаратилган, десак хато бўлмас. Аммо, Ўзбекистоннинг эртанги куни ҳисобланган ёшларимиз уларнинг елкасига тушаётган масъулиятни англаяптиларми, шунга яраша ҳаракат қилаяптиларми? Афсуски, айрим йигит-қизларимиз астойдил ўқиш, замонавий касбларни эгаллаш, юртимиз бойликларини кўпайтиришга ҳисса қўшиш ўрнига енгил-елпи йўллар билан пул тўплаш ёки вақтларини беҳуда ўтказиш билан бандлар. Бу ҳақда биз партия аъзолари ўйлаб кўришимиз, давлат идоралари, «Камолот» жамғармаси ташкилотлари билан биргаликда ёшлар тарбиясига кўпроқ аҳамият беришимиз даркор, деб ўйлайман. ХДПнинг «Мулоқот» журнали ва марказий газеталари ҳам ушбу масалага эътиборни кучайтиришлари керак, биз эса уларни, обунани ўтказиш ва мақолалар ёзиб туриш билан, қўллаб-қувватлаймиз.

Г. Алибоева: Мен бугунги суҳбатимизда муҳокама қилинаётган масалада, хусусан, унда партия маҳаллий матбуотининг ўрни тўғрисида сўзламоқчиман. Бизнинг «Регистон» газетамиз 1994 йилдан чиқа бошлади. Шунга қарамай, бугунги кунда у ўз ўрнини, ўқувчиларини топиб олди — кўп минг нусхада чоп этилиб, тарқатилмоқда. Унинг муаллифлар доираси ҳам кенг. Бунга қандай қилиб эришилди? Биринчи навбатда, одамларни қизиқтираётган, долзарб масалаларни ёритиш, мавзуларни топиш орқали. Ана шундай мавзулардан бири партия ташкилотларининг аҳоли истиқомат жойларидаги фаолиятидир. ХДП аъзолари шу ерларда яшайдилар, турли-туман муаммоларга дуч келадилар, уларнинг ечимини топишда қатнашадилар. Самарқанд шаҳридаги «Оби машҳад» маҳалласида ХДП ташкилотининг ташаббускорлигида ўтказилаётган тарғибий-ташвиқий, тарбиявий ва ободонлаштириш ишларини газета саҳифасига чиқарганимизда, ушбу тажрибани вилоятдаги 1000га яқин маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотлари орасида ёйишни ўйладик.

«Чорсу» ёдгорлик мажмуасида ташкил этилган «Маърифат» чойхонаси шаҳар партия кенгашининг сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказадиган, ўзига хос марказга айланмоқда. Ушбу масканнинг фаолияти, унда бўлиб ўтаётган дилкаш суҳбатлар, қизиқарли учрашувлар, бошқа тадбирлар ҳақида хабарлар бериб бориш — бизнинг вазифамиз.

Партия ташкилотларининг инсон манфаатларини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси борасидаги ишлари таҳририятимизнинг доимий диққат марказида. Мисол учун, Пайариқ тумани партия кенгашининг шу йўналишдаги фаолиятини ёритдик. Чунки, бу ерда кенгашнинг ташаббуси билан фахрийларнинг юбилейлари, иқтисодий жиҳатдан камқувват ёшларнинг никоҳ тўйларини ўтказишга ёрдам бериш, кам таъминланган оилаларнинг оғирини енгил қилиш одат тусига кирди. Бунинг натижасида, ХДПнинг обрўси ошмоқда, кўплаб ёшлар унинг сафларига кирмоқдалар. Тўю томошаларда ҳурматли оқсоқоллар ўз фарзандлари, набираларига партия билетларини топширмоқдалар. Партиямиз ташкилотларининг инсонни улуғлаш, ёрдамга муҳтож кишиларга баҳоли-қудрат мадад беришга қаратилган хайрли ишларини тарғиб қилиш билан газетамиз ҳам кенг жамоатчилик диққатини ўзига тортмоқда. Буни биз обуначиларимиз сони кўпаяётганлигидан яққол сезаяпмиз. Ҳозирнинг ўзида «Регистон»га 1998 йилга ёзилганлар сони икки мингтадан ошди.

Н. Нагметов: Мен қорақалпоғистонлик сифатида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг республикамиз аҳолиси, айниқса, унинг ёшлари ўртасида нуфузи ошаётганлигини таъкидламоқчиман. Буни биз нафақат ёшларимизнинг партия ташкилотлари уюштираётган сиёсий, маданий-маърифий, соғломлаштириш тадбирларида бажону дил қатнашаётганликларида кўраяпмиз. Кўплаб йигит ва қизлар ўз тақдирларини партиямиз билан боғламоқдалар. Бу бежиз эмас. ХДП аъзолари улар билан меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларида тез-тез учрашиб, суҳбатлашмоқдалар, ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсатини тушунтирмоқдалар, пайдо бўлаётган мураккаб саволларга жавоб бермоқдалар. Шу ерда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши, унга қарашли шаҳар ва туман партия кенгашлари, кўплаб бошланғич ташкилотларининг «Камолот» ёшлар жамғармаси маҳаллий бўлинмаларига катта ёрдам бераётганликларини мамнуният билан айтиб ўтишим керак. Икки ташкилот ҳамкорлигида инсон манфаатларини кўзлаб кўпгина фойдали тадбирларни ўтказяпмиз ва бундан кейин ҳам бу ишни давом эттирамиз. Бир истагим бор: менингча, қорақалпоқ ёшларидан кўпроқ Тошкентга чақириб, уларнинг пойтахт шароитида билим олиш ва тажриба орттиришлари учун имкониятлар қидириб кўрилса, ёмон бўлмас эди.

А. Жалолов: Ҳақиқатан, партиямиз, унинг маҳаллий ташкилот ва муассасалари Инсон манфаатлари йили олдимизга қўйган вазифаларни бажариш борасида бирмунча ишларни амалга оширдилар. Балки, қайси бир ташкилотимиз шу йўналишда кўпроқ, айримлари эса озроқ тадбирлар ўтказаётгандирлару, аммо бу иш билан мутлақо шуғулланмаётганлари йўқлигига аминман. «Мулоқот» журнали ва газеталаримиз таҳририятлари ушбу умумхалқ ишига ўз улушларини қўшмоқдалар.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш ишига муносиб ҳисса қўшиш Ўзбекистон ХДП учун мавсумий бир нарса эмас, балки, доимий вазифадир. Уни биз, бугун, сиёсий (Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолиятида иштирок этиш), мафкуравий (матбуот, оғзаки тарғибот, ташвиқот, «Маърифат» марказларининг кўп қиррали фаолияти ва бошқа воситалар орқали республика фуқароларига ўзларининг конституциявий ҳақ-ҳуқуқ-у, бурчларини тушунтириш, уларнинг бузилиш ҳолларини танқид қилиш ҳамда сабабларини таҳлил этиш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш ва бошқалар), амалий ишлар (аҳолининг кам таъминланган қатламларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, умуммиллий ва минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастуру режаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни рўёбга чиқаришга ҳисса қўшиш, ҳоказолар) йўналишларида бажармоқдамиз.

Бу соҳаларда муайян тажриба орттирдик, бироқ, туб ислоҳотлар жараёнида вазифалар мураккаблашмоқда, талаблар ошмоқда. Шу боис, мазкур борадаги фаолиятимиз шакл ва мазмунини такомиллаштириш, таъсир доирасини кенгайтириш — Ўзбекистон ХДП барча даражадаги кенгашлари, бошланғич ташкилотлари, қарийб 500 минг нафарлик аъзоларининг юксак ватанпарварлик бурчи, партиямиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

БЕТАКРОР ЛАҲЗАЛАР

Мана бутун жаҳон жамоатчилигини бир неча кун ўз диққат-эътиборида ушлаб турган қадимий забардаст шаҳарларимиз Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик юбилей тантаналари ҳам якунланди. Бу шодиёналар барчамиз учун унутилмас дақиқалар, келажак ҳаётга татигулик ғурур ва музаффар туйғулар бахшида этди. Чунки сайёрамиз микёсида бу каби муборак саналар саноқлигина. Ҳар бир миллатнинг тарихида камдан-кам содир этиладиган воқеа. Буни нафақат биз балки, заминнинг турли бурчакларидан келган меҳмонлар ҳам эътироф этишмокда.

Николаску МИРЧА, Руминия:

— Олдин ҳам Бухорода бўлган эдим. Ўша пайтдаёқ бу қадим шаҳарнинг салобати, нақшинкор меъморий обидалари мени ром этганди. Хивада эса биринчи бор бўлишим. Икки азим шаҳар. Бир-биридан батамом фарқ қилувчи мафтункор каҳкашонлар. Уларни бунёд этган аждодларингиз истеъдоди олдида тиз чўкса арзийди. Байрам тантаналарига келсак, ундаги шарқона ва замонавий руҳнинг уйғунлигида ҳам мустақил давлатингизни тараққиёт йўли акс этгандай — ўзига хос, миллий ва бетакрор. Унинг зукко, мукаммал ташкил этилганлиги кўриниб турибди.

Менимча, Ўзбекистондаги бугунги барқарор ижтимоий-сиёсий ҳаётида Президентингизнинг хизматлари катта. Чунки Ислом Каримовнинг сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлари билан шу йил Руминияда чоп этилган асари орқали яхши танишман. Ҳар қандай Европа давлати ҳавас қилгудек мустақил, мукаммал тараққиёт йўли.

Хуллас, юртингиздаги байрам таассуротлари унутилмас. Бежиз бу қадим шаҳарлар европаликларни мафтун этиб келмаётганига яна бир бор амин бўлдим.

Ясин АШУРИ, Хитой:

— Мен Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик тантаналарига келиб, бу ўлка билан, унинг маданияти, тарихи ва сахий халқи билан танишганимдан ғоят хурсандман. Бухоро ва Хива шаҳарлари билан танишиб, шундай қарорга келдим: улар нафақат ўзбек халқининг, балки бутун дунё халқларининг эҳтиромларига муносиб бебаҳо бойликдир. Шу маънода улар дунё шаҳарларидир.

Шу фурсатда Ўзбекистон ҳукумати раҳбариятига, ЎзФА ходимларига ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Бундай лаҳзаларга гувоҳ бўлиш киши ҳаётида камдан-кам рўй беради. Барча юртдошларингизни бундай қутлуғ байрам билан чин дилдан муборакбод этаман.

Суҳбатдош: Малик МАНСУР,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ҲАЁТ — МУНИС СИНГЛИМ...»

«Жаҳон адабиёти» журналининг навбатдаги сони босмадан чиқди. Унда сиз машҳур араб адиби Журжи Зайдоннинг «Харун ар-Рашиднинг синглиси» романини ўзбек тилида ўқийсиз. Асарни таржимон Муҳсин Зокиров рус тилидан эркин таржима қилган. Ушбу тарихий мавзудаги роман Аббосийлар халифалигининг гуллаб-яшнаши даврини ўз ичига олади. Журналда Артур Хейлининг «Оқшом хабарлари» романи давомини, шунингдек, машҳур адиблар Чингиз Айтматов ва Мухтор Шохоновнинг «Қояда қолган кўз ёшлар» асари ниҳоясини ўқийсиз. Улуғ қозоқ адиби Мухтор Авезов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг «Ким айбдор?» ҳикоясини қозоқчадан Носир Фозилов ўзбекчага ўгирган. Ҳикоя қизиқ воқеалари билан ўқувчида яхши таассурот қолдиради. Мухтор Авезов ижоди ва ҳаёти ҳақидаги Иззат Султон ва Носир Фозиловнинг мақолаларида ўзбек-қозоқ адабиёти алоқалари хусусида ҳам мулоҳазалар билдирилади.

Назм ихлосмандлари машҳур рус шоири, Нобель мукофоти соҳиби, ғоят мураккаб ва чигал даврда яшаса-да, юксак адабиёт талабларига содиқ қолиб қалам тебратган Борис Пастернак ижодидан Мирпўлат Мирзо ўгирган туркум намуналардан, Хитой шеъриятидан амалга оширилган Хуршид Даврон ва Миртемир таржималари, шунингдек, севимли шоир Омон Матжоннинг янги шеърларидан бахраманд бўладилар.

Журналнинг янги сонида ўқувчилар ижтимоий-тарихий мақолалар билан танишадилар. Мак Гаханнинг «Ўкуздаги ҳарбий ҳаракатлар ва Хеванинг қулаши» асари ўлкамиз тарихи ҳақидаги тасаввурларимизни бойитиш учун хизмат қилади. Мак Гахан ўтган асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган Америка журналисти бўлиб, «Нью-Йорк Жеральд» газетасининг мухбири сифатида Хева юришида иштирок этган. Хонлик ҳудудида амалга оширилган қонли уруш манзараларини ўз асарида ҳаққоний тасвирлайди. Асар 1874 йилда инглиз, 1975 йилда рус тилида босилиб чиққан. Ўзбек тилида Ортиқбой Абдуллаев таржимасида биринчи бор эълон қилинмоқда.

«Жаҳон адабиёти»нинг янги — иккинчи сонида бошқа бир қанча қизиқарли адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик асар ва мақолалар ҳам эълон қилинган.

Содиқ СУЛТОН.

Журналнинг янги сони

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ



МУҲТАРАМ МУШТАРИЙЛАР!

1998 йилда Сиз «Жаҳон адабиёти» саҳифаларида «Дрина дарёси кўприги» (И. Андрич — Югославия), «Раққоса» (Яшпал — Ҳиндистон), «Коинот оқимлари» (А. Азимов — АҚШ), «Буюк банкир» (И. Франки — Италия), Амир Темир» (Ҳ. Жовид — Озарбойжон), «Мусаввирнинг ёшлиқдаги шамойили» (Ж. Жойс — Ирландия), «Қўёш парчаси» (Ф. Саган — Франция), «Педро Парамс» (П. Рульфо — Мексика), «Александр Македонский» (Плутарх — Юнонистон) асарларини ўқийсиз. Булардан ташқари журналда Лотин Америкаси, Европа ва Осиё мамлакатлари ёзувчилари ва шоирларининг асарларини кенг ёритиш режалаштирилган. Шунингдек, журнал саҳифаларида Ницше, Фромм, Кафка, Сартр, Моэм, Вульф, Почивалин, Пикул, Домбровский, Фриш, Гессе, Жирмунский ва бошқаларнинг фалсафий-бадиий, тарихий, публицистик асарлари мунтазам бериб борилади.

«Жаҳон адабиёти» ҳамиша севимли йўлдошингиз бўлиб қолишини истасангиз, обуна бўлишга шошилинг.

Журнал индекси: ***якка обуначилар учун — 828; ташкилотлар учун — 829.***

2.1997

АФГОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

«Интернет» ахборот тизими хабар қилади

ИСЛОМОБОД. 26 октябрь. Толибларга қарши мухолифат раҳбарлари ўртасидаги муносабат яна тикланди. Генераллар ҳокимиятни бўлиб олиш ҳақида келишиб олишди. Бу ҳақда мухолифат вакили доктор Толиб хабар берди. Унинг сўзларига қараганда бундан буён Дўстум қўшинлари ўзининг жонажон вилояти бўлмиш Жузжонни тўла назоратга олади. Малик қўшинлари эса Фариоб вилоятини эгаллайди. 25 октябрь куни Мозори Шарифда бўлиб ўтган барча партиялар ва ҳаракатларнинг раҳбарлари кенгашида ана шундай қарорга келинди. Кенгашда барча шимолий вилоятларни бирлашган қўшинлар назорат қилиб туради, деб келишиб олинди.

* * *

Покистон миллий радиосининг хабарларига кўра, толибларга қарши мухолифатнинг пойтахти Мозори Шарифга Пешавордан Покистон делегацияси учиб кетди. Бу делегация вакиллари шимолий альянс раҳбарлари билан учрашади. Сўнгра Кобулга, толиблар ҳузурига боради. Покистонлик дипломатларнинг асосий вазифаси ва режаси — бир-бирига душман бўлган икки томонни урушни тўхтатишга ва тинчлик йўлидаги мулоқотларни бошлашга кундириш. Покистон делегациясига шимолий ҳарбий чегара вилояти бош котиби Рустам Шох Моманд раҳбарлик қилмоқда.

* * *

Афғонистон мухолифати раҳбарларидан бири генерал Абдул Рашид Дўстум шу йилнинг май ойида асирга олиниб, Шивирғон турмаларида ётган 120 толибни озод қилди. Бу ҳақда мухолифат вакили Абдул Туркистоний хабар берди. Барча асирлар талаба ёшида. Туркистонийнинг айтишига кўра Дўстум яна кўплаб одамларни озод қилмоқчи эди. Бироқ жанговар қўмондонлар бунга қаршилик қилишди. Ҳозирча мухолифат вакиллари 2 мингдан зиёд толибни ҳибсда асраб туришибди. Улар толиблар билан музокаралар вақтида ушбу асирларни душман қўлидаги ўз аскар ва зобитларига алмаштиришмоқчи.

АЁЛ ВУЖУДИДА ГЎДАК ҚАЛБИ

Грета Стерг — бугун шундай аталаётир. 3 ёшида комик уйқуга кетган бу қизалоқ 17 йилдан кейин уйғонди.

Автомобиль ҳалокати натижасида Гретанинг бувиси ва буваси ҳаётдан кўз юмишди, Гретанинг ўзи эса турғун уйқуга кетди.

«Ҳайратланарлиси шундаки, Грета Стергнинг мия фаолияти жуда аниқ ишлаяпти, — дейди бу ғайритабиий ҳодисани ўрганиш учун чақиртирилган швейцариялик доктор Ханс Жекинс. — Олдимизда бутун ғўдаклик беғуборлигини сақлаб қолган ғўзал ва жозибадор аёл». Лекин Гретага, қўршаб турган муҳитга мослашиш учун ҳали анчагина вақт керак бўлади. Ҳозир ундан бир дақиқага ҳам кўз қочирмаслик лозим. Гретани ойиси бир куни айланишга паркка олиб борган ва уни столга ўтқизиб ўзи бир дақиқага пица олиб келиш учун кетган. Қайтиб келганида Грета жойида бўлмаган. Қарасаки, у нотаниш бир йигит билан паркнинг чиқиш эшигига яқинлашиб қолишган экан. Нотаниш йигит, Гретага, агарда улар ҳозир унинг уйига боришса вақтларини жуда кўнгилли ўтказишларини айтади. Грета эса бунга ишонган.

Турфа олам— турфа одам

«Грета ҳали ғўдак. Унда бу каби гаплар тўғрисида ҳеч қандай тушунча йўқ», — дейди Гретанинг ойиси.

Мактабга кириш учун топшириган тест натижалари уни ўқиш учун жуда қобилиятли деб топди. Шуни унутмаслик керакки, Грета ҳалокатга учраган вақтда атиги 3 ёшда эди. Ҳозирда Грета жуда яхши ўқиб ўрганмоқда. Синфдошлари билан ҳам жуда яхши чиқишади. «У катталар кўринишидаги беғубор ғўдак», — деб таърифлайди унинг ўқитувчиси. Мактаб автобусига ўтиришда Грета билан суҳбатлашиш ниятида ўнлаб йигитчалар ўраб олишади. Бир куни йигитлардан бири ўзини врач деб таништирган ва Гретага кўрикдан ўтиш учун унинг уйига боришни тайинлаган. Грета унга айтилган ҳар бир гапга ишонади. Шунинг учун ҳам ойиси уни назоратсиз қолдирмасликка тиришади.

«Доктор Жекинс шу йил Грета тўғрисидаги тўлиқ ҳисоботни «Американинг тиббиёт журналида» эълон қилади».

Дилором АЛЛАҚУЛОВА тайёрлади.

ДУНЁ ДАРЧАСИ

Никарагуалик она.

Турфа олам, турфа одам

МИЛЛИАРДЕРЛАР

Майкрософт жамоасининг асосчиси Билл Гейтс учинчи марта, йилига бир маротаба нашр қилинадиган «Форбс» журналида дунё миқёсидаги 200 нафар бойвачча рўйхатини тузиб чиқди. Гейтснинг умумий даромад манбаи кейинги йилларда 2 маротаба кўпайди ва эндиликда 36,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Рўйхатда иккинчи ўринни эгаллаб турган Уолтонлар оиласининг даромад манбаи эса 27,6 миллиард АҚШ доллари ва учинчи ўриндаги Уоррен Бафетнинг даромад манбаи 23,2 миллиард долларга етади. Гейтс рўйхатига биринчи маротаба уч нафар рус миллиардери киритилди. Булар — Березовский, Ходорковский, Алекперовлардир.

97 ўринни эгаллаб турган — Борис Березовскийнинг умумий даромад манбаи 3 миллиард доллар миқдорида белгиланмоқда. Қизиқ, миллиардерларнинг «Форбс» нинг ўсиш табели поғоналарига кўра Березовский рўйхатнинг 111 ўрнидан жой олган. Унинг даромад манбаи 2,8 миллиард доллар билан баҳоланаётган таниқли «Информациялар барони» Руперта Мэрдоқдан рўйхатнинг 131 ўрнидан жой олган. У даромад манбаи 2,5 миллион долларни ташкил қилаётган таниқли инвестор ва филантроп Джорж Соросни орқада қолдириб кетди.

Михаил Ходоровский рўйхатда 133 ўринни эгаллаган, даромад манбаи эса 2,4 миллион доллар миқдорида баҳоланаётир. У ўз ўрнида, рўйхатдан 157 ўринни эгаллаган даромад манбаи 2,1 миллиард долларни ташкил қилаётган Си-Эн-Эн асосчиси Тед Тернерни, шунингдек, даромад манбаи 1,5 миллиард долларни ташкил қилаётган ва рўйхат бўйича 190 ўриндаги Ротшильдлар оиласини орқада қолдириб кетди.

Россиялик миллиардерлардан яна бири Вагит Алекперовдир. Унинг даромад манбаи 1,4 миллиард доллар миқдорида бўлиб рўйхатнинг 194 ўрнидан жой олган. Ҳозиргача унинг моддий шароити Дэвид Рокфеллерникига баробар келмоқда.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

ПУШКИН ҲАМ ҒОЗ ПАТИДА ЁЗГАН

Уфалик биринчи синф ўқувчиси Артём дарсларини ғоз патида ёзмоқда. Бунга сабаб ручка йўқлиги эмас, балки...

Гап шундаки, Артёмга онаси учта ручка олиб берган эди. Бироқ Артём ручкаларни йўқотиб қўйди. Бундан онасининг жаҳли чиқди ва бошқа ручка олиб бермай қўйди. Ҳовлида юрган ғозлардан бирини тутиб, шартта патини юлди-да, пичоқда йўниб Артёмга берди. «Энди мана шунда ёзасан. Худога шукр, пат етарли, йўқолса юлиб бераверамаи. Ахир Пушкин ҳам патда ёзиб, шоир бўлган. Ажабмас сен ҳам...» деди.

Қизиғи шундаки, Артём энди ғозларни кал қилиш учун атайлаб ҳар куни «ручка» йўқотмоқда.

КЕМА ЮТГАН «АЖДАҲО»

Атлантика уммонида сузиб юрган Британиянинг сувости кемаларидан бири 3 кун қандайдир тузоқда яшади. Қизиғи шундаки, унинг двигателлари бор кучи билан ишларди, бироқ кема жойидан қўзғалмасди. Вазиятни ҳеч ким аниқлай олмади. Тўртинчи кун деганда кутилмаганда кемани кимдир улоқтиргандек бўлди ва у сузишда давом этди, яъни сув юзига чиқди.

Гап нимадалигини текшириш учун команда ташқарига чиқди ва... кема сиртига ёпишиб ётган сассиқ ва бадбўй шилимшиқ сўлакларни, шунингдек, қандайдир организм тўқималарини кўришди. Сўлакларни текширишдан ўтказган кема дўхтирининг айтишича, сўлаклар шу пайтгача номаълум бўлган жонзотники эмиш. «Биз уч кун давомида қандайдир улкан жонзотнинг ошқозонида бўлганмиз. Унинг ошқозони кемамизни роса майдаламоқчи бўлган, бироқ уддасидан чиқмаган. Шунинг учун қайт қилиб чиқариб юборган», — дейди дўхтир.

Эндиликда бу сўлакларни Оксфорд университетининг биохимиклари махсус текширувдан ўтказишмоқда. Натижа қандай бўлади, буни вақт кўрсатади, деб ёзади Англиянинг «Дейли экспресс» газетаси.

Жаҳон кино юлдузлари

МУҲАББАТ УЧУН ЯРАЛГАН

Гўзаллик аёлга ярим давлат. Тўғри. Чирой-чи? Чирой аёлга ярим омад? Йўқ. Эркакларга ҳам тўла асосли бу гап. Фақат «хуш сурат»лилик эркакка ҳам асқотишини камроқ кузатамиз, холос. Фикримга сизни ишонтирмоқчиман.

Ғарб фильмларини кўп кўраман. «Даҳшат»ларга уч бўлмасам-да кузатаман. Аниқроғи, актёрлари билан қизиқсинаман. Ҳеч аҳамият берганмисиз, баъзида бирам келишган, чиройли йигитлар ўткир сюжетли картиналарда бош ролни ўйнайди. Шундай кезлари ачиниб кетаман: эссиз шундай мафтункор чеҳра, «увол» бундай «ур йиқит» ролга.

Кўпинча Брит Питни шундай ҳолатда кўраман.

Дарвоқе, Брит Пит ким? Брит америкалик энг зўр актёр. Голливуднинг юлдузи. Брит жуда хушрўй. Уни «юлдуз» қилганиям шу — барнолиги. Актёр ҳақида батафсилроқ гапира қолай...

Брит Пит АҚШнинг Миссури штатида 1964 йилда туғилган. Отаси оддийгина ҳайдовчи эди. Ўзининг айтишича, отаси жуда қаттиққўл одам бўлган. Брит акаси ва опаси билан ҳамиша уйда ўтираркан. Отаси бола тарбиясини минг қаттиқ ушламасин Брит ўсмирлигида ўтолов бўлганди. Синфдоши Сара Хантни севиб қолади. Асов ўсмир йигит севгилиси ортидан Лос-Анжелосга келиб, университетга ўқишга киради. Тезда севгилисига уйланади. Лекин хотини ҳиёнат қилганини сезгач, барига қўл силтайди. Кун кечириш учун «Магдонос» қаҳвахонасига ишга киради. Ресторанда югурдак бўлиб хизмат қила бошлайди.

Руҳан тушкун Бритнинг чиройи ресторан хўжайинининг диққатини тортади... «Брит, шундай ҳуснинг билан сен кино актёр бўлишинг керак эди. Ҳеч ойнага қарайсанми?» Хўжайин уни ўзининг таниши, киночи Ролли Лондон билан таништиради. У шу тариқа кино оламида катта маҳорат мактаби яратган Ролли Лондон қўлида таҳсил ола бошлайди. Шу ўринда кўпгина Голливуд юлдузлари Ролли Лондон тайёрлаган актёрлар эканлигини таъкидлашни истардим.

Брит Пит дастлаб рекламаларда суратга тушди. Сўнгра рисоладагидек қадди-қомати продюсерлар эътиборини торта бошлади. Назаримда, Бритга омад кулиб боқди. Кўпчилик уни «лоп» этиб катта кино саҳнасига чиқиб қолди, дейди. Бир ҳисоби тўғри. Чунки Бритга дастлабки кезларданоқ бош ролларни бера бошлашди. «Даллас» сериалини эсланг. У бу картинанинг 19 та сериясида қатнашди. Ёш актёр учун бу жуда катта ютуқ-да.

Сўнгра «Тельма ва «Луиза»да, сал ўтмай «Ўлим учун ҳали ёш» фильмда пайдо бўлди. Кетма-кет қойил-мақом ижобий роллардан сўнг, продюсерлар салбий — «бош қаҳрамон»га таклиф эта бошлашди.

Боя айтганимдек, мен унинг шундай образларига ҳеч ҳайриҳоҳ бўлолмадим. Брит ҳиссиётли йигит. Шалола Макколга кўнгил қўяди. Ҳайронман. Шундай сухсур йигитга бу сафар ҳам муносиб қаллиқ топилмади, чоғи. Яна ойласи бузилди.

Бахтсизлик ҳам бир келса кетма-кет келади. Ўша кезлари Брит иштирок этган 3—4 та картина чиппакка чиқди. Машҳурлик пиллапоясидан дадил кўтарилаётган актёр депсиниб қолди.

Руҳий тушкунлик...

Йўқ, узоқ чўзилмади. Яна унинг ойдек жамоли иш берди. Уни Робберт Реффернинг ўзи «Дарёлар суви тошқин» деб номланган севги қиссасидаги бош ролга муносиб кўрди.

Бу фильм Голливудга 80 миллион доллар фойда келтирди. Ҳазилакам гап эмас. Юлдузларнинг қанчаси етолмаган орзу демакдир. Негадир яна Бритни салбий образларга чақира бошлашди. Аслида бу актёр ҳамма продюссернинг фильмида пайдар-пай ўйнайвермайди. Шундай бўлсада, 1993 йилда «Калифорния»даги ашаддий, шафқатсиз йигит образини яратди. Депсиниб турган Бритга бу фильм туртки бўлди. Яна ярқираб кино оламида кўзга ташланаверди. Лекин мен Бритни «Дарё суви ёмғирдан тошади» (1994 йилда суратга олинган) фильмсиз тасаввур этолмайман.

Фильмни кўрган томошабин ғарбий Канаданинг ғўзал табиатига ошуфта бўлиб қолиши шубҳасиз. Энг асосийси бу фильмда Брит акасининг рафиқасини севиб қолган йигитнинг муҳаббат изтиробларини шу қадар таъсирли ўйнаганки, беихтиёр унинг дардига шерик бўп қолади, киши.

Актёр ролни танлаб ижро этади. Ўзининг эслашича «Бампер билан суҳбат»да ўйнашни истамаган. Сценарийси ёқмаган: замонавийлик — тарихийлик қоришиб кетган! Ўзи шу хулосага келган. Бритга ёқмаган томони шу фильмда Голливуднинг яна бир юлдузи — Ром Крузнинг ҳам суратга тушиши эди. Уларнинг бир-бирига ашаддий рақиблиги ҳақида турли шов-шувлар ҳам юради.

Ҳар икки юлдузга фильмнинг ёқадиган томониям бор эди: 6 миллион доллар гонорар!

Эх, бу сариқ иблис, кимларни ўз домига тортмаган. Дўстни душман, душманни дўст қилган. Аммо фильм зўр чиқди. «Юлдуз»лар боплаб ижро этишди, топширилган ролларини.

Охирги йилларда Брит учун эса энг катта фойда, обрў келтиргани «Етти» фильмидир. Кўнгилга хуш келадигани шу фильмда кино юлдузи ўз умр юлдузини топди. Чунки, у соҳибжамол актриса Гвени Бритни томомила ўзига асир қилиб қўйди. Никоҳдан ўтишди.

Актёрларнинг ҳаёти сирли. Муҳаббатлари ҳам. Кўпинча Бритни ишқда беқарорликда айблашади. Йўқ, у ўз юлдузини узоқ излади, холос. Ахир актёрнинг кейин яратган ролларини олинг. «12 та маймун» фильмидаги руҳий хаста йигит образида Брит ғўё ўзининг кечмишини яратган.

Изтироб тўла юрак... Бежизга бу фильм Оскар мукофотига сазовор бўлмади. Ёки «Шайтон мулки»даги бош ролини олинг.

Истеъдодли санъаткор юлдузликкаку-я «лоп» этиб чиққандир. Лекин бу осмоннинг ҳам «қақшатқич рақобат» деган қонуни бор.

Хориж актёрлари ўз «мени» учун жон олиб — жон беради. Продюссерлар Бритни «машҳурликдан талтайган» дейишади-ю, барибир баркамол актёрлигидан кўз юма олишмайди.

Сўнгги яратган роллардан бири — «Уйқудаги» фильми бўлди. Ахир бу бош ролга қанчалаб Голливуд юлдузлари даъвогар эди. Бари доғда қолди. Унинг олдига ҳеч бири тушолмади-ку? Ашаддий кино танқидчилар ҳам бу ролини ижобий баҳоладилар.

Брит Питни продюссерлар «барно йигит» дейишади. Инжиқликларини кўтаришади. Актёр эса уларнинг ишончига путур етказмайди.

Келажакда Брит кўпроқ ижобийми ёки салбий ролларда кўринадими? Менга қолса, уни фақат дарёлар сувини тоширган, ёмғир сувидек тоза, ишқ оташида ёнган ғўзал йигит тимсолида кўришни жуда-жуда истаб қолардим.

Назаримда, унинг мафтункор чеҳраси, баркамол ижоди, фақат кўнгилда ширин туйғу уйғотиб, хотиротда узоқ қоладиган муҳаббат учун яралгандек туюлади.

Саида БОНУ.

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Барча акционерлик жамиятлари 1997 йил 31 октябргача 1997 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик текшируви ўтказиши мақсадида аудиторлик идоралари билан шартномалар тузиши ва шартноманинг бир нусхасини Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлимига тақдим этишлари лозим.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 13-уй, 2 қават, 54, 60-хоналар. Маълумотлар учун телефон: 144-59-53.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани 1-мактаб-интернати жамоаси шу мактаб ўқитувчиси Марям Сафарбоевага турмуш ўртоғи

Сафарбой ХУДОЙБЕРГАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЎМИР САНОАТИ

Ўзбекистон Республикаси 2 миллиард тонна қидириб топилган кўмир заҳираларига эга. Кўмир қазиб олиш ва уни етказиб бериш ишлари билан "Кўмир" акционерлик бирлашмаси шуғулланади. Ангрен конида қўнғир кўмир, Шарғун ва Бойсун конларида тошкўмир қазиб олинади. Кўмир конлари корхоналар томонидан турли усулларда ўзлаштирилаётир: очиқ усулда, ер ости ва ер остини газлаштириш усулида (Ноу Хау.) Кўмир энергетика мақсадларида ва маиший ёқилғи сифатида ишлатилади. Кўмирни қайта ишлашдан чиққан чиқинди органик ва минерал ўғитларга айлантирилади.

Конлардан чиққан кўмирлар — сифатли ёқилғи, қимматбаҳо ҳамда камёб материалларнинг турли хилини олиш учун хом ашёдир. Масалан, кокс брикети, мотор ёнилғиси, кальций карбиди, сорбент, қора ва рангли металлургиядаги углеродли қўшимчалар сифатида ишлатилади.

Кўмир қазиб олиш жараёнида каолин, оҳак, кварц қумлари, кўмир кукуни, камёб ер элементи (германий), шағал ва бошқа фойдали қазилмалар олинади.

Яхши хом ашё, кўпдан синалган эркин майдонларнинг бисёрлиги, сув ҳамда электр ва иссиқлик энергияси, темир йўлларнинг мавжудлиги станцияларнинг яқинлиги ва халқаро аэропортларнинг борлиги ишлаб чиқариш саноат комплексини бунёд этишда қўл келади. Шунингдек, қазиб олинган ва бойитилган каолин, чинни фаянс ва сопол буюмлар, ўтга чидамли ва қурилиш ғиштлари, том ёпқичлар, дренаж ва канализация қувурлари, хўжалик ва манзарали чинни буюмлар, шиша ва шиша идишлари, электр изоляторлари ҳам бу ишда ёрдам беради. Бундан ташқари каолин қоғозсозлик, резина-техника, пластмасса саноатида, шунингдек, косметика ва бошқа мақсадларда ишлатиш учун хизмат қилади. Айни пайтда кўмирни қазиб олиш, навларга ажратиш ва бойитиш фабрикаси қурилиши давом эттирилмоқда.

Ҳудудимизнинг геологик хусусиятлари қўшимча фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ва уларни қайта ишлаш учун кенг имкониятлар яратади. Айниқса, ёнувчи сланец, оҳак, гипс, безакли тош конларини ўзлаштириш кўпчиликни қизиқтирса керак. Керамзит, адсорбент, ўғит ва ғишт ишлаб чиқариш учун юқори сифатли лойлар тайёрланиши мумкин.

Уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда оддий ҳисоб-китобларга кўра, энергетика, кимё, қурилиш, металлургия саноати ва қишлоқ хўжалиги учун йилига 1 миллиард 400 миллион АҚШ доллари миқдорида тайёр маҳсулот олиш имкониятини беради.

Бундан ташқари Ангрен каолинидан, Бойсун кўмири ва оҳагидан фойдаланиб туриб, лойтупроқ ишлаб чиқариш заводини бунёд этиш мумкин.

Ана шундай қулай омиллар ва барқарор вазият хорижий шериклар билан ишончли ҳамкорлик ўрнатиш имконини беради.

ҚАЗИБ ОЛИНАЁТГАН КЎМИРНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Савдо маркаси

	Б-2 Ангрен	1СССШ Шарғун	ТР Бойсун	1СС-брикет Шарғун
Кул қолиши (фоиз)	16-25	13-20	7-17	14-21
Намлиги (фоиз)	30 -38	4-7	3-6	2-5
Олтингугурт (фоиз)	7-1,0	0,3-0,7	0,2-0,6	0,3-0,7
Ёниш иссиқлиги (ккал/кг)	6700	8100	8200	8300

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

КЎМИР ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ ВА УНИ СОТИШ БЎЙИЧА "КЎМИР" АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ.

700011, Тошкент-11, Марказ-14 мавзеси, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 41-85-55, 44-55-79, 44-57-05, 32-99-19.
Факслар: (3712) 44-20-80, 41-85-56.
Телекс: 116163, Лава, телетайп 116376 шахта.

Ҳисоб рақами 20210000900126956001.
Саноат-қурилиш банкининг Тошкент шаҳар бўлими МФО 00424.

АНГРЕН КАОЛИН КОНЛАРИ

Заҳира — миллион тонна

Иккиламчи — 1038
Дастлабки — 79

Маълумотнома (фоиз)

	Дастлабки	Иккиламчи
Al_2O_3	22	31
SiO_2	63	54
Fe_2O_3	3,25	1,49
TiO_2	0,46	0,63
CaO	0,38	0,25
MgO	0,18	0,78
K_2O	0,56	2,17
Na_2O	0,56	0,12
H_2O	0,28	2,34

Бойитилган каолин оқланмаси 82-85 фоиз

КАОЛИН СИФАТИ БАҲОСИ

Ўзбекистон ва Россия ихтисослаштирилган ташкилотлари, шунингдек:

MABETEX (Швейцария)
PAB BAUTZEN (Германия)
TEBOIN SCHMIOLT (Германия)
MIISUIS CoLTD (Япония)
INTERTASH (Ўзбекистон-Америка) фирмалари томонидан баҳоланган.

ИШЛАТИШ СОҲАЛАРИ

— ғишт
— сопол плиткалари
— санитария фаянси
— ўтга чидамли ғиштлар
— олтингугурт алюминийси
— лойтупроқ
— электр чинни
— қоғоз
— чинни
— шиша
— косметика.

ЙИЛЛИК ҚАЗИБ ОЛИШ МИҚДОРИ

5-7 миллион тонна иккиламчи каолин

ТАЛАБ ЭТИЛИШИ

Чинни ишлаб чиқаришда ва ғишт саноатида 500 минг тонна талаб этилади.

СОТИШ БОЗОРИ

— Ўзбекистон
— Туркманистон
— Қирғизистон
— Қозоғистон
— Россия
— Эрон
— Туркия
— Покистон
— Ҳиндистон

Сотиш ҳажми 1,5-2 миллион тонна.

ҚУРИЛИШ

Бойитилган каолин ишлаб чиқариш заводи. Ишлаб чиқариш қуввати йилига 200-400 минг тонна.

Лойтупроқ ишлаб чиқариш заводи. Ишлаб чиқариш қуввати йилига 100 минг тонна.

ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН САРМОЯЛАР

50 миллион АҚШ доллари, қопланиш муддати - 4 йил

150 миллион АҚШ доллари, қопланиш муддати - 7 йил.

ИНФРАСТРУКТУРА

Тошкент шаҳридан 100 километр масофадаги аэропорт. Эркин ерларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш ва техника ресурсларининг миқдори. Автомобиль йўллари, электр таъминоти, сув таъминоти, темир йўллар қурилиш майдонига яқинлаштирилган.

Ангрендаги иккиламчи каолинлар кўмир конларидан юқорида жойлашган бўлиб, улар кўмир қазиб олиш пайтида олинади. Ангрен каолинларидан комплекс фойдаланиш дастури хорижий сармояларни жалб этиш билан бирга қўшма корхоналар ташкил этишни кўзда тутади. Бу дастур бойитилган каолин фабрикаси, лойтупроқ заводи, ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқариш, сопол плиткалар ва санитария фаянс буюмлари ишлаб чиқариш заводларини ўз ичига олади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 21 619 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0654

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 00.20.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА